Америка Кўшма Штатларининг Кентукки штатида ўк-ёй ёки найза билан балик овлаш такикланган.
Гери шахрида (Индиана штати) саримсок егач тўрт соат ичида жамоат транспортига чиккан одам жарима тўлайди.
Бутун Калифорния штати худудида сичконга копкон кўйиш учун овчилик гувохномаси бўлиши шарт.
Алабаманинг Жаспер шахрида эр ўз хотинини калтаклаш хукукига эга, факат таёк йўгонлиги жимжилок йўгонлигидан ошмаслиги керак.
Дунёда энг илгор саналган АКШ ахолисининг 20 миллиони ўкиш-ёзишни билмайди, 30 миллионга якини эса факат бошлангич маълумотга эга.
АКШнинг Огайо ва Калифорния штатларининг кўчалари ва жамоат жойларида одамларни уларнинг розилигисиз фото ёки камерада суратга тушириш беш юздан минг долларгача жарима билан жазоланади. Аризона штатида мехмонхонада унутиб колдирилган буюм ёки пул бир йилу бир кун сакланади, агар шу мухлат ичида эгаси олиб кетмаса, у мехмонхона мулкига айланади.
Вашингтон якинидаги Дўстлик тепалиги шахарчасида яшовчи кашандаларга шахсий уйларидан ташкари хамма жойда чекиш такикланган.
Америка Кўшма Штатлари ўзига хос пазандачилик санъати ва миллий таомларига эга бўлмаган дунёдаги ягона мамлакатдир.
АКШда хайвонлар учун мингдан ортик сартарошхона ишлаб турибди.
Хозир АКШда хар 16 талабага биттадан ўкитувчи тўгри келади.
Ню-Йоркда хар йили 300 киши каламуш тишлаб олганидан, 1500 киши одам тишлаб олганидан тиббий ёрдам муассасаларига мурожаат килади.
АКШ аёлларининг 95 фоизи турмушга чикаётиб кизлик фамилиясидан осонгига воз кечади, аммо олий маълумотли ва шахарларда яшовчи аёллар фамилиясини ўзгартиришни ёктиришмас экан.
АКШда ўтказилган савол-жавоблардан маълум бўлишича, америкаликларнинг 90 фоизи ишхонада ва уйда мунтазам ёлгон ишлатар экан. Хатто АКШ президенти Жорж Буш (кичиги) Ирок уруши давридаги бир йил ичида бўлган расмий учрашув ва баёнотларда 922 марта ёлгон гапирган.
Голливуднинг кекса киноюлдузи Элизабет Тейлор умри давомида тўккиз марта эрга теккан, охирги турмушга чикканида ёши саксондан ошган эди.
Оддий америкалик бир хафтада ўртача ўттиз бир соатни телевизор каршисида ўтказади. Америкалик ўкувчилар мактабни битиргунча “зангори экран” оркали саккиз мингта котилликни кўришади.

АКШда бир йил ичида ўртача ўттиз минг киши котиллик курбони бўлади. Бу мамлакатда содир этилган жиноятларнинг бор-йўги 22 фоизигина очилади.
Ню-Йоркда хар куни ўртача 40 мингта калбаки доллар ушлаб колинади.
АКШ ахолисининг 62 фоизи ортикча семириб кетишдан, 44 миллион киши турли хасталиклардан азоб чекади.